

**Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг  
тизим ташкилотлар томонидан 2025 йил 1 чорагида  
амалга оширилган ишлари тўғрисида**  
**МАЪЛУМОТ**

**I. Ўзбекистон стандартлар институти**

**Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишида:**

Стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида **1507 нафар** мутахассислар малакаси оширилди;

Тадбиркорлик субъектлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг **6282 нафар** мутахассисларини малакаси оширилди.

**Мувофиқликни баҳолаш йўналишида:**

Стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳаларида **1045 нафар** (режага нисбатан **6 бараварга**) мутахассислар аттестациядан ўтказилди.

**Тадбиркорларга услубий кўмак кўрсатиш йўналишида:**

“СТАНДАРТ” илмий-техник журналини электрон шаклини **1800 та** (режага нисбатан **120,0%**га) тадбиркорлик субъектларига тарқатилди.

**183 та** халқаро стандартлар давлат тилига таржима қилинди.

Соҳа тармоқлари бўйича **1928 та** стандартларнинг Жаҳон савдо ташкилотига мослигини қўриб чиқиш ишлари амалга оширилди.

**Стандартлаштириш йўналишида:**

**126 та** ташкилот стандартлари (TS) ўрнига **12 та** миллий стандартлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

**Стандартларни экспертиза қилиш йўналишида:**

**Жорий йилнинг 1-чорагида 54 та** миллий стандартлар лойиҳалари экспертизадан ўтказилди.

**Стандартларнинг ягона ахборот базаси йўналишида:**

Фонддаги миллий стандартлар салмоғини Халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш даражаси амалда **34,19 %**га етказилди

**Меъёрий хужжатлар билан таъминлаш бўйича:**

Тадбиркорлик ва хўжалик юритувчи субъектларга **777 та** стандарт фойдаланиш учун етказилди.

**Техник қўмиталар фаолиятини мувофиқлаштириш йўналишида:**

Ўзбекистон Республикаси номидан Халқаро Стандартлаштириш ташкилоти (ISO) да – **17 та** (тўлақонли), **240 та** (кузатувчи), Халқаро Электротехника Кўмитаси (IEC) да – **4 та** (тўлақонли) ҳамда Стандартлаштириш бўйича Давлатлараро кенгашининг Стандартлар бюроси (МГС) да – **97 та** техник қўмиталарида аъзолар фаолияти таъминланди.

**Вазирлик ва идоралар қошида** Стандартлар институтининг 18.02.2025 йилдаги 55/СТҚ-сон буйруғи билан “СТҚ 11” Статистик усулларини қўллаш” соҳасида стандартлаштириш бўйича миллий техник қўмита ҳамда 26.03.2025-йилдаги 76/STQ-сон қарори билан “Ўзбеккимёмаш заводи” акциядорлик жамияти хузурида “STQ 14” “Идишлар ва ускуналар” соҳасида стандартлаштириш бўйича

техник қўмитаси, жами **2 та** стандартлаштириш бўйича техник қўмитаси ташкил этилган.

**Маънавий-маърифий тадбирлар ва оммавий ахборот воситаларида чиқишлар бўйича:**

Жорий йилнинг 1-чорагида Институт томонидан — **5 та** маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Телевидениеда — **10 та**, Радиода — **10 та**, Матбуотда — **5 та**, Оммавий ахборот воситаларида — **261 та** чиқишлар қилинди. Ўтган йил шу даврга нисбатан маънавий-маърифий тадбирлар **3 бараварга**, Телевидениедаги чиқишлар — **3 бараварга**, Радиодаги чиқишлар **3 бараварга**, Оммавий ахборот воситаларида **5 бараварга** кўп чиқишлар ташкил этилди.

## II. Ўзбекистон илмий синов ва сифат назорати маркази

**Синов лабораторияларини модернизация қилиш йўналишида:**

**Январь-март (март)** ойлари давомида синов лабораторияларни аккредитация талабларига мослаштириш, аккредитация соҳасини кенгайтириш, янги синов усулларини қамраб олиш мақсадида, жами **177 та** ўлчаш воситалари харид қилинди.

**Январь-март ойлари** давомида жами **23 143 та** шундан, хукуқни муҳофаза қилувчи идораларга **89** (март ойида **63 та** - Божхона қўмитаси **26 та**, Ўз.Республикаси Молия Вазирлиги **1 та**, Техник жиҳатдан тартибга солиши назорат инспекцияси **7 та**, бошқалар **29 та**) синов баённомалари расмийлаштирилди.

**Январь-март ойлари** давомида **47 та** маҳсулотлар **сифатсизлиги** аниқланди.

озиқ-овқат **31 та**, электротехника **4 та**, қурилиш **5 та**, Электромагнитмослашувчанлик **4 та**, полимер **1 та**, енгил саноат **1 та**, металлургия **1 та** (шундан, март ойида **20 та** электр **5 та**, қурилиш **1 та**, озиқ-овқат **14 та**) яроқсиз деб топилди.

**Лабораторияларнинг синов кўрсаткичини 1 883 тага етказиши:**

Йил бошидан **275 та** синов кўрсаткичига кенгайтирилди. **616 та** синов кўрсаткичлари бўйича аудит бўлиб ўтди. **265 та** синов кўрсаткичларини ўзлаштириш бўйича Аккредитация марказига ариза тақдим этилди.

“Agelensy FOOD” МЧЖ “Корзинка” савдо белгиси остида фаолият олиб борадиган савдолар тармоғлари ташкил этаётган логистика марказида “ЎзТест” ДМга майдон ажратилишига келишилди. Аввал тайёрланган лаборатория лойиҳаси майдони катталиги учун ажратилган кичик майдонга қайтадан лойиҳа ишлаб чиқилиб, тақдим этилди.

Андижон ва Самарқанд филиалларида аккредитация маркази томонидан даврий баҳолаш аудитлари ўтказилди.

Электротехника жихозларининг **code IP** қобигини химояланганлик даражасини аниқловчи, қоғоздан тайёрланадиган қадоқлар синовчи ускуналар етказиб берилиб, синов усуллари ўзлаштирилди.

Тошкент Синов лабораториялар мажмуаси томонидан аккредитация соҳасини кенгайтириш бўйича, шунингдек, Олмалиқ филиалида иш жойларини баҳолаш бўйича синов усуллари ўзлаштирилиб, Аккредитация марказига ариза тақдим этилди.

### **Сертификатлаштириш йўналишида:**

**Жорий йилнинг ўтган даврида жами **8 365 та**, шундан, **7 чизма 7 714 та**, **3 чизма 649 та**, **9 чизма 2 та** сертификати расмийлаштирилди.**

Йил бошидан **2 та** маҳсулот сифатсизлиги аниқланиб, маҳсулот **яроқсиз деб топилди**.

**“Тошкент”** маҳсулотларни сертификатлаштириш органи аккредитация доираси автоматик газ горелкалари, табиий газ билан ишлайдиган майший иситиш печкалари учун газ горелкалари маҳсулотларига кенгайтириш учун ҳужжатлар тайёрланди.

**“Хоразм”** маҳсулотларни сертификатлаштириш органи “Аккредитация маркази” ДМ томонидан 2025 йил 7 март куни O’ZAK.MS.0114-сон билан миллий реестрда рўйхатдан ўтказилди.

**“Тошкент”** маҳсулотларни сертификатлаштириш органи аккредитация доираси ойна маҳсулотларига кенгайтириш учун **“Тошкент-1”** **“Тошкент-2”** ҳамда Хоразм филиалида маҳсулотларни сертификатлаштириш органларини ташкил этиш юзасидан Аккредитация марказига **ариза тақдим қилинди**.

**Халол маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш органи** ташкил этиш бўйича, мутахассислиги ва соҳаси озиқ-овқат йўналиши бўлган **14 та** ходимлар рўйхати тузилди. Ўзбекистон дин ишлари қўмитасидан **2 нафар** шаръий масалалар бўйича ходимлар сертификатлаштириш органига бириктирилди. Ветеринария соҳасидан **2 нафар** ходим жалб қилинди. Жорий йил 28 апрелда Турк стандартлар институти томонидан Халол стандартлари бўйича малака ошириш курси ташкил этилади. Сертификатлаштириш органини аккредитациядан ўтказиш учун **НАК (Халол аккредитация ташкилотига)** ариза берилди.

### **Сифат менежменти тизимлари йўналишида:**

Экспортчи корхоналарга халқаро сифат тизимларини жорий этишни кенгайтириш мақсадида **1,6 мингта** корхонада халқаро сифат тизимларини жорий этиш белгиланган бўлиб, жорий йил бошидан **382 та** корхонага менежмент тизимлари жорий қилинишига қўмаклашилиб, **мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилди**.

Менежмент тизимларини сертификатлаштириш идораси 2025 йилда **IQNet** халқаро ташкилотига тўлақонли аъзоликка қабул қилинишига эришиш мақсадида Менежмент тизимларини сертификатлаштириш органи аккредитация доирасини **ISO 22003-1:2022** ва **ISO 50001:2019** стандартларига кенгайтириш бўйича Аккредитация маркази томонидан 2024 йил 28-29 ноябрь кунлари аудит ўтказилди. Аудит натижаларига кўра, аниқланган номувофиқликлар бартараф этилиб, Аккредитация марказининг **06/121-сон** хабарномасига асосан Менежмент тизимларини сертификатлаштириш идораси аккредитация доираси **ISO 22000** ва **ISO 50001** стандартларига кенгайтирилди.

Январь-март ойлари давомида **74 та** корхоналарда жорий этилган менежмент тизимларини сертификатлаштириш ишлари натижасида **204 та ISO сертификатлари** расмийлаштирилди.

### Экспорт кўмаклашиш бюроси йўналишида:

Республика бўйича жами **6 527 та**, (январ – март ойларида **4 512 та**) саноат корхоналарда ўрганишлар ўтказилди.

*Қорақалпогистонда 362 та, Андижонда 606 та, Бухорода 577 та, Жиззахда 420 та, Қашқадарёда 511 та, Навоийда 302 та, Наманганда 662 та Самарқандда 560 та, Сирдарёда 144 та, Сурхондарёда 485 та, Фарғонада 731 та, Хоразмда 370 та, Тошкент вилоятида 187 та, Тошкент шаҳрида 610 та.*

*Корхоналарда 85 та соҳага оид муаммолар аниқланиб, шундан, 69 та корхонанинг муаммолари бартараф этилди. Ҳал этилмаган муаммолар бўйича уларни бартараф этиши бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.*

Кунлик ўрганилаётган корхоналар маълумотларини [forms.standart.uz](http://forms.standart.uz) порталига киритиб борилмоқда.

Худудлардаги **496 та** экспортёр ва экспорт салоҳиятига эга корхонага соҳага оид **610 маротаба** соҳага оид амалий ёрдам ва консультатив хизматлар (стандартлаш **113 та**, метрология **86 та**, сертификатлаш **104 та**, менежмент тизимлари масалалари **227 та**, қадоқлаш ва ёрлиқлаш **46 та**, бошқа масалалар **34 та**) кўрсатилди.

Худудлардаги **37 та** экспортёр корхонага **82 та** мувофиқликни тасдиқловчи хужжатлар расмийлаштирилди.

Экспортёр корхоналарни соҳага оид имтиёзлар ва янгиликлар билан кенг таништиришда Қорақалпогистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Фарғона, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида Агентлик, Стандартлар институти, вилоят ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар иштирокида ташкил этилган семинар-тренингларда **8 000 дан** ортиқ тадбиркорлик субъектлари иштирок этишига кўмаклашилди.

### Худудий филиалларда амалга оширилган ишлар:

Қорақалпогистон Республикаси, Хоразм, Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон, ва Тошкент вилоятлари худудий филиалларида техника хавфсизлиги, кадрлар масаласи, ахборот хавфсизлиги ҳамда коррупцияга қарши курашиш ўйналишларида ўрганишлар олиб борилиб, семинар ва тарбибот ишлари ўтказилди.

Хоразм худудий филиалида курилиш соҳасида синовларни жойига бориб ўтказиш учун мобил лаборатория ташкил этиш мақсадида **2 та** Фургон тупидаги атотранспорт воситаси харид қилинди.

### Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш ўйналишида:

Январь-март ойларида турли ўйналишларда **241 нафар** ходимлар малакалари оширилди.

Олий таълим муассасалари томонидан тавсия қилинган битирувчилар ва марказимиз сайтида эълон берилган бўш иш ўринларига сухбат ўтказилиб, **15 нафар** битирувчи Худудий филиал ва Тошкент шаҳридаги синов лабораториялар мажмуасига ишга қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 мартағи 177-сон Қарори 4 иловаси “Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш, шунингдек ветеренария, карантин ва

санитария соҳалари мутахассисларининг малакасини ошириш ҳамда уларни аттестациядан ўтказиш тартиби” тўғрисидаги Низомга асосан, Стандартлар институтида **225 нафар** малака оширган ва аттестациядан ўтказилган ходимларнинг **193 нафари** аттестациядан ўтган, **32 нафари** ўта олмаган.

**2 та** Олий таълим муассасалари билан тузилган ўзаро ҳамкорлик шартномаларга асосан танишув, ишлаб чиқариш ва диплом олди амалиёти бўйича **20 нафар** талаба амалиёт ўтади.

Олий таълим муассасалари томонидан тавсия қилинган битирувчилар билан сухбат ўтказилиб, **3 нафар** битирувчи синов лабораториялар мажмуасига ишга қабул қилинди.

Марказда **15 нафар** ходим билан меҳнат шартномалари тузилди, **12 нафар** ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

#### Илм фан йўналишида:

Марказда фаолият олиб бораётган ходимларнинг **136 нафари** бакалавр, **146 нафари** магистр дипломига эга, 2024 йилда (**PhD**) илмий даражага эга ходимлар сони **3 тани** ташкил этган бўлса, бугунги кунга уларнинг сони **5 тага** етказилди.

Олий таълимдан кейинги таълим босқичи таянч докторантурада Марказдаги лабораториялар ва худудий филиалларида фаолият олиб бораётган **17 нафар ходимлар мустақил тадқиқотчи сифатида илмий изланишлар олиб бормоқда**.

**2025-2026 ўқув** йили учун магистратурага хужжат топширмоқчи бўлганлар сони **7 нафарни** ташкил этади.

Олий таълимдан кейинги таълим тизимини ташкил этиш мақсадида Марказ хузурида Илмий кенгаш ташкил этилди.

“Илмий-синов ва сифат назорати” **илмий-техник журнали фаолияти йўлга қўйилмоқда**.

“Илмий-синов ва сифат назорати” илмий-техник журнали учун худудий филиалларда фаолият олиб бораётган ходимлар томонидан **15 та мақола** журнали талаблари бўйича тақдим этилди.

Туркия Республикаси Илмий ва технологик тадқиқотлар кенгаши (**TUBITAK**) билан ҳамкорлиқда, Илмий фаолиятга оид давлат дастури доирасида бажариладиган амалий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар бўйича “Ўзбекистон-Туркия” халқаро қўшма танлови “Тўқимачиликда пардозлаш ва бўяш корхоналаридан чиқадиган оқова сувларни тозалаш учун тажриба-тозалаш қурилмасини ташкил этиш ва тозалашнинг дастлабки усуллари самарадорлигини синовдан ўтказиш” мавзусида тайёрланган амалий тадқиқот лойиҳаси Инновацион ривожланиш Агентлигига тақдим этилди.

Ўзбекистонда илмий-синов ва сифат назорати тарихига оид “Ўзбекистонда синов ва сифат назорати тарихи” илмий-оммабоп тўмламни яратиш ишлари бажарилмоқда.

Илмий-оммабоп тўмламнинг дастлабки лойиҳа қўриниши ишлаб чиқилди.

#### Оммавий ахборот коммуникациялар йўналишида:

Оммавий ахборот воситаларида **март ойида** тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган соҳа хизматларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида **67 та** телевиденияда **5 та**, ижтимоий тармоқларда **46 та**, газетада **2 та**, сайтларда **6 та**, радиода **2 та** ҳамда **6 та** видеоролик тайёрланди.

Миллий менежмент тизимларини сертификатлаштириш органи томонидан аккредитация доирасини **IATF 16949** стандартига кенгайтириш мақсадида мутахассислар малакасини ошириш ва сертификатлаштириш идораси хужжатларини **IATF 16949** стандартига асосан қайта шакллантириш ишлари амалга оширилади.

**Юксалиш КСЗда** ташкил этилиши режалаштирилган **5 та** Курилиш, Электротехника, Кимё-полимер, Енгил саноат, Мебел маҳсулотларини синаш ўйналишларидаги имзоланган жами **60 та** шартнома асосида синов ускуналарини етказиб бериш ва ўрнатиш ишлари олиб борилади.

Барча лабораторияларда Аккредитация соҳасини кенгайтириш **924 та** синов усулларига етказилади.

Лабораториянинг Пскент тумани филиалида қишлоқ хўжалиги техникасини кўндаланг статик барқарорлиги (*угол опрокидования*) стендини ясаш ва ўрнатиш бўйича қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Лабораторияда қишлоқ хўжалиги техникаларини кўндаланг статик барқарорлик бурчагини аниқлаш синовлари тўлиқ камраб олинади.

**Код IP** синов усуллари Тошкент синов лабораториялари мажмуасида йўлга қўйилади.

Велосипед синовилари Кўкон филиалида йўлга қўйилади ва аккредитация соҳаси кенгайтирилади.

Жиззах филиалида **Юнитет МЧЖ** билан хамкорликда катта диаметрли трубалар синови ўзлаштирилади ва аккредитация соҳаси кенгайтирилади.

Халқаро провайдерлар шартнома имзоланади ва режа жадвалга мувофиқ **10 та** солишириув синовлари ўтказилади.

Худудлардаги **12 250 та** саноат корхоналари манзилли ўрганилади, мавжуд муаммолар бартараф этилади ва соҳага оид амалий ёрдамлар кўрсатилади.

**160 та** экспортга йўналтирилган маҳсулотлар учун мувофиқликни тасдиқловчи хужжатлар расмийлаштирилади.

**1244 та** экспортёр ва экспорт салоҳиятига эга корхоналарга, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, маҳсулотларни халқаро талаблар асосида қадоқлаш ва ёрлиқлаш масалаларига оид консультатив хизматлар кўрсатиш, экспортга берилган қонунчиликдаги имтиёзлар билан таништириш ҳамда брошюра ва тарқатма материаллар билан таъминланади.

2025 йилнинг II-чорагида Миллий менежмент тизимларини сертификатлаштириш идораси мутахассисларини **IATF 16949:2016**, **ISO 37001:2016** стандартларига асосан малакасини ошириш ишлари апрел ойида амалга ошириш режалаштирилган. Малака ошириш жараёнларидан сўнг **IATF 16949:2016** стандартига асосан аккредитация доирасини кенгайтириш

ишлари режалаштирилган. Шунингдек, **6 нафар** мутахассисларни **ISO 14001** “Экологик менежмент тизими” стандартига асосан малакасини ошириш ва аудиторликка тайёрлаш ишлари амалга оширилади.

Тошкент шаҳрида **Тошкент-1** сертификатлаштириш органи ташкил этилади.

Чирчиқ ҳудудий филиалида кишлоқ хўжалиги техникаларини қўндаланг статик барқарорлик бурчагини аниқлаш синовлари тўлиқ қамраб олинади.

Корхонанинг ишлаш тизимини тўлиқ ривожлантириш яъни “DLP-security” тизимига ўтиш бўйича умумий дастур ишлаб чиқиши. Ахборот коммуникация технологилари ривожланаётган бир қаторда кибержиноят ҳам ривожланиб бормоқда. Ушбу тизим орқали марказни тўлиқ назорат қилиш, киберхавфсизликни таъминлаш, хужжатлар алмашинишини, иш жараёнларини кузатиш, маълумотлар базаси шакллантиришга эришилади.

### **III. Ўзбекистон миллий метрология институти**

**Миллий эталонлар базасини ривожлантириш, лабораторияларни модернизация қилиш ҳамда инфратузилма яратиш бўйича**

2024 йилда молиялаштирилган “Суюқликларнинг электр ўтказувчанлиги бирлиги” эталони келтирилиб, эталонлар сони **30 тага** етказилди.

Жорий йилнинг апрель ойида “Ғадир-будирлик катталиклари” эталони келтирилиши кутилмоқда.

2025 йилда **9 та** эталон харид қилиш белгиланган. Техник топшириклар ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказиши мақсадида “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКга тақдим этилди.

Бундан ташқари, лабораторияларнинг моддий-техник базасини янада такомиллаштириш мақсадида жами **26 та** (шундан **20 таси** ҳудудий филиаллар) ўлчаш воситалари ва ёрдамчи ускуналар харид қилинди.

**Норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш бўйича:**

Халқаро тарози ва ўлчовлар бюросининг (BIPM) аъзоси сифатида қўшилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси **Қонун** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **қарор** лойиҳалари ишлаб чиқилиб, **Вазирлар Маҳкамасига киритилди**.

Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилоти (*OIML*) хужжатлари асосида метрологик меъёр ва қоидаларни қабул қилиш режа-жадвалига асосан жами **20 та** миллий **стандарт** қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, **1 таси** ўрнатилган тартибда рўйхатга олиниб, **6 таси** рўйхатга олиш учун Стандартлар институтига киритилди.

Ўлчашлар ягона бирлиқда бўлишни таъминлаш борасида жами **10 та** миллий **стандартлар** (қонунлаштирувчи метрология, ионловчи нурланиш, путур етказмасдан текшириш, ёқилғи, ўлчашларни бажариш услубийёти, электр ва магнетизм, турини тасдиқлаш, газ сарфи ва босим йўналишлари) ишлаб чиқилди.

**Халқаро даражада этироф этилиш бўйича:**

**Халқаро тарози ва ўлчовлар бюросининг (BIPM) базасида Республикализнинг калибрлаш ва ўлчаш имкониятлари тўғрисидаги ёзувлари (СМС-қаторлар) радиация йўналиши бўйича 3 тага **кенгайтирилиб**, уларнинг сони 8 тага **етказилди**.**

Шунингдек, СМС-қаторлар сонини янада кенгайтириш мақсадида КООМЕТ доирасида **3 та янги** (*вақт ва частота йўналиши*) солиштириш лойиҳасида иштирок этилмоқда.

**Илмий салоҳиятни кенгайтириш ҳамда метролог мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини ошириш борасида:**

Олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда **3 та эталон** ва юқори аниқлиқдаги ўлчаш воситаларини **яратиш** бўйича лойиҳа паспортлари **Инновацион ривожланиш агентлигига тақдим этилди**.

Институт мутахассисларининг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида **9 нафар** мутахассислар PhD мақомига эга бўлиш бўйича мустақил изланувчи сифатида **рўйхатдан ўтшди**.

Ходимлар малакасини ҳамда илмий салоҳиятни ошириш бўйича институтнинг **8 нафар** (Чехия, Россия, Хитой, Словакия) мутахассислари хорижнинг етакчи метрология институтларида семинар ҳамда ўқув курслари орқали малака оширди.

**Лабораторияларнинг хизмат қамровини кенгайтириш бўйича:**

Республика саноат соҳаларида аниқ ўлчашларга бўлган эҳтиёжни янада қамраб олиш мақсадида **Қорақалпоғистон Республикасининг калибрлаш** (босим), **Самарқанд** филиалининг **қиёслаш** (massa, босим ва сарф, физик-кимё) лабораторияси **аккредитация** доираси кенгайтирилди.

Шунингдек, институтнинг **Радиотехник катталиклар, ионлануви нурланиш ва путур етказмасдан текшириш бўлими вақт ва частота** ҳамда Геометрик ва механик катталикларни ўлчаш бўлими **геометрия** лабораториясининг **қиёслаш** бўйича аккредитация доираси кенгайтирилди.

Агентлик томонидан тасдиқланган режа-жадвалга асосан **январь** ойида **Қорақалпоғистон Республикасида** сайёр қабул ўтказилди.

**Газ қоришмалари** ишлаб чиқариш бўйича **инновацион лаборатория барпо этиши** мақсадида лойиҳа паспорти ишлаб чиқилди.

#### **IV. “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДМ.**

**2025 йил январь-март ойларида** жами **83 та** буюртма (**27 та** аккредитация, **56 та** кенгайтириш) келиб тушган бўлиб, шундан;

**4 та** ижроси (**2 та** аккредитация, **2 та** кенгайтириш) таъминланган;

**2 та** буюртма буюртмачини хоҳишига кўра (**1 та** аккредитация, **1 та** кенгайтириш) бекор қилинган;

**77 та** буюртма (**24 та** аккредитация, **53 та** кенгайтириш) аккредитация жараёнлари давом этилмоқда.

2025 йилнинг январь-март ойларида давомида жами **17 та** МБО ва МХ аккредитациядан ўтказилди (жами **572 та** мавжуд), жумладан:

**7 та** синов лабораториялари (жами **283 та**);

**5 та** қиёслаш лабораториялари (жами **113 та**);

**2 та** маҳсулотларни сертификатлашириш органи (жами **90 та**);

**2 та** менежмент тизимларини сертификатлашириш органи (жами **31 та**);

**1 та** ходимларни сертификатлашириш органи (жами **2 та**) аккредитациядан ўтказилди.

Ҳисобот даврида **108 та** аккредитация қилинган субъектларда даврий баҳолаш ўтказилиб, натижада **18 та** аккредитация гувоҳномасининг амал қилиш муддати тасдиқланган, **87 та** (75,0%) тўхтатилган, **3 та** қарор қабул қилиш жараёнида.

Юқоридаги ўтказилган даврий баҳолашларнинг **16 таси** маҳсулотларни сертификатлашириш органлари ҳисобига тўғри келиб, шулардан **8 таси** (50,0%) аккредитация гувоҳномаси тўхтатилган, **6 таси** тасдиқланган, **2 таси** қарор қабул қилиш жараёнида.

**2025 йилнинг март ойида** тасдиқланган Медиа режага асосан радиода **7 та**, газетада, **1 та** электрон нашрларда **3 та** мақола эълон қилинди, You Tube да **2 та**, Марказ сайти ва ижтимоий тармоқлар орқали жами **115 га** яқин чиқишлар қилинди.

## V. Назорат инспекция.

Қонунчилик талабларини бузилишини олдини олиш мақсадида жорий йил бошидан **6237 та** тадбиркорлик субъектига огоҳлантириш хатлари ва тарқатма материаллар юборилди.

Қорқалпогистон **426 та**, Андижон **295 та**, Бухоро **381 та**, Жиззах **292 та**, Қашқадарё **332 та**, Навоий **464 та**, Наманган **340 та**, Самарқанд **487 та**, Сурхондарё **437 та**, Сирдарё **382 та**, Тошкент вил **337 та**, Фарғона **518 та**, Хоразм **372 та**, Тошкент шаҳар **1174 та**.

**Сертификат ҳужжатлари назорати йўналишида,** Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан ҳукумат топшириғига асосан назоратга олинган маҳсулотлар: яни, **лифт** ва **эскалатор** маҳсулотларига расмийлаштирилган **145 та** ҳужжатлар тўпламидан **33 тасида камчиликлар** аниқланганлиги сабабли бартараф этиш бўйича қайтарилди, **112 та** ҳужжатлар тўпламига **руҳсат** берилди.

- **кабель, котёл, радиатор, холодильник, ва кондиционер** маҳсулотларига расмийлаштирилган **379 та** ҳужжатлар тўпламидан **72 тасида камчиликлар** аниқланганлиги сабабли бартараф этиш бўйича қайтарилди, **307 та** ҳужжатлар тўпламига **руҳсат** берилди.

- **арматура ва металл лист** маҳсулотларига расмийлаштирилган **129 та** ҳужжатлар тўпламидан **33 тасида камчиликлар** аниқланганлиги сабабли бартараф этиш бўйича қайтарилди, **96 та** ҳужжатлар тўпламига **руҳсат** берилди.

- **цемент** маҳсулотларига расмийлаштирилган **14 та** ҳужжатлар тўпламидан **2 тасида камчиликлар** аниқланганлиги сабабли бартараф этиш бўйича қайтарилди, **12 та** ҳужжатлар тўпламига **руҳсат** берилди.